

## **ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ**

**Кучимова Шахло Абдусайтовна**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида  
хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақолада ворислик ҳуқуқининг умумий масалалари, мерос таркиби ва унга тааллуқли мол-мулк, ҳуқуқ ва мажбуриятлар таҳлил қилинади. Муаллиф ворислик ҳуқуқининг замонавий муаммоларига эътибор қаратиб, рақамли активлар, интернет ҳисоблари ва криптовалюта каби янги мерос объектлари бўйича ёндашувларни ўрганади. Шунингдек, мақолада фуқаро вафотидан сўнг унинг мол-мулки ва ҳуқуқларининг меросхўрларга ўтиши тартиби, мерос очилишининг ҳуқуқий асослари ва амалдаги қонунчилик нормалари муҳокама қилинади.*

*Мақолада, шунингдек, ворислик ҳуқуқи билан боғлиқ халқаро тажриба ва хорижий давлатлардаги амалиёт ҳам таҳлил қилинади. Нотариал амалиётда дуч келинадиган асосий муаммолар, уларни ҳал этиши йўллари ҳамда ворислик ҳуқуқини янада такомиллаштиришга оид таклифлар илгари сурилади. Рақамли активларнинг мерос объекти сифатида эътироф этилиши бўйича ҳуқуқий бўшлиқлар ва уларни тартибга солиши механизмлари кўриб чиқилади.*

**Калит сўзлар:** *Ворислик ҳуқуқи, мерос таркиби, меросхўрлар ҳуқуқлари, Фуқаролик кодекси, рақамли активлар, интернет ҳисоблари, криптовалюта, мерос очилиши ва тақсимланиши тартиби, нотариал амалиёт*

## **GENERAL ISSUES OF INHERITANCE LAW**

### **ABSTRACT**

*This article analyzes the general issues of inheritance law, the composition of the estate, and the property, rights, and obligations associated with it. The author focuses on modern challenges in inheritance law, exploring approaches to new inheritance objects such as digital assets, online accounts, and cryptocurrency. The article also discusses the procedure for transferring a deceased person's property and rights to heirs, the legal basis for inheritance, and the relevant provisions of current legislation.*

*Additionally, the article examines international experience and practices in inheritance law in foreign countries. The main problems encountered in notarial practice, possible solutions, and proposals for improving inheritance law are also*

presented. The article considers legal gaps in recognizing digital assets as inheritance objects and explores mechanisms for their regulation.

**Keywords:** *Inheritance law, estate composition, heirs' rights, Civil Code, digital assets, online accounts, cryptocurrency, inheritance opening and distribution procedures, notarial practice.*

## ОБЩИЕ ВОПРОСЫ НАСЛЕДСТВЕННОГО ПРАВА

### АННОТАЦИЯ

*В данной статье анализируются общие вопросы наследственного права, состав наследственной массы, а также связанные с ней имущество, права и обязанности. Автор акцентирует внимание на современных проблемах наследственного права, рассматривая подходы к новым объектам наследования, таким как цифровые активы, интернет-аккаунты и криптовалюта. Также в статье обсуждается порядок перехода имущества и прав умершего к наследникам, правовые основы наследования и актуальные нормы действующего законодательства.*

*Кроме того, в статье рассматривается международный опыт и практика наследственного права в зарубежных странах. Анализируются основные проблемы, возникающие в нотариальной практике, пути их решения, а также предложения по совершенствованию наследственного права. Особое внимание уделяется правовым пробелам в признании цифровых активов объектами наследования и механизмам их регулирования.*

**Ключевые слова:** *наследственное право, состав наследственной массы, права наследников, Гражданский кодекс, цифровые активы, интернет-аккаунты, криптовалюта, порядок открытия и распределения наследства, нотариальная практика.*

Ворислик муносабатларида асосий масалалардан бири бу – мерос таркиби, мерос массаси деб номланадиган ҳолат ҳисобланади. Яъни вафот этган шахсдан ёки мерос қолдирувчидан қандай мол-мулклар ва ҳуқуқлар қолади ва уларнинг қайси бирга нисбатан мерос ҳуқуқи қўлланилади, деган масала. Қоидага қўра, мерос қолдирувчи вафотидан сўнг унга тегишли барча мол-мулк ва унинг бекор бўлмайдиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибга киради (Фуқаролик кодексининг 1113-моддаси). Бундан истисно сифатда эса мерос қолдирувчи шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига кирмайди. Юқорида айтилгандек фуқаронинг шаъни, қадр қиммати билан боғлиқ бўлган ҳолатлар ёки бевосита алимент олиш билан боғлиқ бўлган талаблар мерос таркибга киритилмайди. Бундан ташқари, мерос

қолдирувчининг меҳнат, ижтимоӣ таъминоти тўғрисида асосида олинадиган пенсия нафақа ва бошқа тўловларга бўлган ҳуқуқлари ҳамда мулкӣ ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкӣ ҳуқуқлар мерос таркибига кирмайди.

Вафот этган шахснинг қолган барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлар мерос таркибига киради. Бугунги кунда мерос таркиби билан боғлиқ бўлган масалаларда кўплаб янги ҳолатлар вужудга келмоқда, масалан, рақамли ҳуқуқлар кирптаактивлар, интернет сайтлари akkaунтларга бўлган ҳуқуқлар ҳам мерос таркибга кирадими, йўқми деган саволлар кун тартибига чиқмоқда. Кўпчилик мутахассисларнинг <sup>1</sup> фикримизча, мерос таркибига akkaунтларга нисбатан ҳуқуқлар кириши керак чунки, akkaунтга нисбатан ҳуқуқларнинг ўзи ҳам ёки сайтларга нисбатан ҳуқуқлар ҳам 2 қисмга бўлинади. Мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларга бўлинади. Агар бу akkaунтларга нисбатан ҳуқуқларнинг бир қисми шахсий номулкӣ ўша akkaунтлар эгасининг номи исми шарифи унинг шаъни, қадр қиммати, ёки бўлмаса сирлари билан шахсий дахлсизлик билан боғлиқ бўлган масалаларни қамраб олса дейишади, қолган катта қисми бевосита мулкӣ ҳуқуқ объектлари болиши мукин. Масалан у томонда ёзилган муайян бир хатлар у томонидан олинган видеолар, вайнлар ёки роликлар билан муаллифлик ҳуқуқлари объекти саналади шу сабабли ҳам уларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи жорий қилинади мулкӣ ҳуқуқ мутлақ ҳуқуқ ва унинг айнан мутлақ мулкӣ ҳуқуқ ҳам мерос таркибга кириши керак<sup>2</sup> деган фикрни беришади. Дарҳақиқат фуқаролик ҳуқуқлари объектлари таркибга мулкӣ ҳуқуқларга киргандан кейин мулкӣ талабга бўлган ҳуқуқ ҳам бевосита фуқаролик кодексининг 82-моддасига кўра ҳуқуқий вориси асоси ёки мерос таркибга ўтади. Шу маънода оладиган бўлсак сайтга нисбатан олинган роликлардан тортиб бошқасига бўлган ҳуқуқлар мерос бўлиб ўтиши керак, меросхўрлар ундан фойдаланиши керак. Ўша сайтнинг провайдери ёки оператор ўша сайтдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини меросхўрга бериши лозим<sup>3</sup>. Тўғри бугунги кунда амалиётда кўрадиган бўлсак кимнинг номида очилган бўлса шу сайтга ким уни эгаси бўлса логин паролни билса шу сайтдан фойдаланади. Лекин мерос муносабатларда бу ҳолатлар истисно ҳолат сифатда кўрилиши керак меросхўрга қоида тариқасида ўша сайтга нисбатан ҳам ёки бошқа ижтимоӣ тармоқлари рақамли ҳуқуқлар нисбатан ҳам фойдаланиш

<sup>1</sup> Гринь Е.С. Наследование akkaунтов в социальных сетях: российский и зарубежный опыт // Актуальные проблемы российского права. 2022. Т. 17. – № 2. – С. 128-134. – DOI: 10.17803/1994-1471.2022.135.2.128-134.

<sup>2</sup> Санникова Л. В., Харитонов Ю. С. Цифровые активы: правовой анализ : монография. М. : 4 Принт, 2020. 304 с.

<sup>3</sup> Новоселова Л. А., Гринь О. С. Эффективность правовой охраны объектов интеллектуальных прав: административные барьеры // Право. Журнал Высшей школы экономики. — 2018. — № 2. — С. 4–25.

имконияти тақдим этилиши керак<sup>4</sup>. Бу айни пайтда криптовалютага рақамли ҳуқуқларга блокчейн технологиялар ва ҳуқуқларга нисбатан қўлланилиши лозим<sup>5</sup>.

Амалдаги қонунчилик яъни фуқаролик кодексининг 1113-моддаси меросга нисбатан, мерос қолдирувчига тегишли бўлган ҳуқуқлар номоддий бойликларга нисбатан ҳуқуқларни назарда тутди. Айнан 113-модданинг охириги қисмида ёзилган қоидадан келиб чиқиб фуқаролик кодексининг 100-моддаси ҳам мерос қолдирувчининг шаъни ва кадр-қиммати ҳам унинг меросхўрлар томонидан ҳимоя қилинишига оид бўлган масалани белгилайди. Бу ўз навбатида Олий суд пленумининг 2000-йилдаги маънавий зиёнини қоплаш ишларига оид бўлган Пленум қарорида ўз аксини топган. Шу маънода оладиган бўлсак бу вафот этган шахсни мерос қолдирувчига бўлган шахсий мол мулклар унга тегишли бўлган номоддий бойликлар мерос таркибига кирмасда, демак муҳофаза этилиши ҳимоя қилинишини англатади. Мерос таркибининг доираси, турлари кўп мисол учун ташкилотларга аъзолик, аксияларга бўлган ҳуқуқ, банкдаги омонатга бўлган ҳуқуқ ёки бошқа бошқа ҳолатлар борки буларга нисбатан меросхўр бўлиш, меросга ега бўлиш қонунчиликда муайян бир қоидалар сифатида белгиланган масалан, оддий ширкат шартномаси асосида ёки аъзоликка бўлган ҳуқуқнинг мерос тарзда ўтиш масаласи махсус қоидалар билан белгиланади. Бошқа тижорат ташкилотларига аъзолик ҳам масалан тўлиқ ширкатдаги аъзолик ишлаб чиқаришдаги аъзолик умумий мерос бўлиб меросхўрларга ўтмаслиги мумкин лекин қонуний ёки шартномада бу ҳақида қонун белгиланган бўлса бу ҳам мерос сифатида меросхўрга ўтади

Мерос қолдирувчининг мол-мулки нафақат унинг ўзига балки яхлит бир олинган мол-мулкка нисбатан муайян бир улушлар бошқа шахсга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда биргаликдаги ёки умумий мулк бўлган мерос объекти муайян маънода бошқа ўша умумий мулкдорларнинг улушларини ажратиб олган ҳолатда демак, мерос қолдирувчининг меросхўрларига берилиши керак. Оладиган бўлсак масалан, катта бир бино бўладиган бўлса шу бинонинг учдан бир қисми мерос қолдирувчига, тегишли қолган икки қисми эса бошқа шахсларга тегишли бўлган ҳолатларда Фуқаролик Кодексининг 1114-моддаси талабларидан келиб чиқиб, мерос қолдирувчининг мерос объекти,

<sup>4</sup> Глаголева Т.А. Наследование аккаунтов в социальных сетях: актуальные проблемы / Т. А. Глаголева. Текст: непосредственный // Молодой ученый. 2023. – № 13 (460). – С. 235-237. – URL: <https://moluch.ru/archive/460/101154/> (дата обращения: 29.01.2025).

<sup>5</sup> Муртазалиева, З. К. Наследование аккаунта в социальной сети: проблемы и перспективы развития правового регулирования / З. К. Муртазалиева, В. А. Спиридонова // Тамбовские правовые чтения имени Ф. Н. Плевако: Материалы в международной научно-практической конференции: В 2 т., Тамбов, 28–29 мая 2021 года. Том 2. — Тамбов: Издательский дом «Державинский», 2021. – С. 112–115.

умуман, ўша бинодаги улуши ажратилиб меросхўрларга берилади ва бу Фуқаролик Кодексининг 226-моддаси қоидаларига кўра амалга оширилади. Бундай ҳолатларда, ҳар битта ўша умумий мулк иштирокчисининг улуши ажратилиб белгиланиб, шу улуш демак тегишли тартибда мерос қолдирувчига ажратиб берилиши керак. Агар бу мол-мулкни ажратиб натура ҳолда ажратиб олишнинг имкони бўлмаса, унда қонун чиқарувчи белгилаган талабга кўра демак унинг муайян бир улушлари белгилаб берилади ва ўзаро келишувга кўра ҳал қилиниши мумкин. Бу ҳолатда, демак, мероснинг очилиши бевосита, демак, натура ҳолатдаги мол-мулкни ўзига емас балки демак ундай улушнинг қийматига нисбатан ҳам очилиши мумкин. Хўп, қоида тариқасида умумий бирликдаги мулк иштирокчиси демак ўша мол-мулкдаги бўлган ҳуқуққа нисбатан ўз улушуни васият қилишга ҳақли ва бу улуш унинг вафотидан кейин шу белгиланган тартибда ажратиб берилади. Умуман олганда умумий бирликдаги мулк бўлган объектларга нисбатан мерос ёки ўша мулкнинг сақланиб қолиши ёки бўлмаса меросхўрнинг ҳақ-ҳуқуқини ажратиб бериш тартиботи демак, меросхўр ва ўша мулкнинг бошқа иштирокчилари ўртасида келишувга кўра ҳам ҳал қилиниши мумкин. Бундай ҳолатларда, демак, у ўша мулкдаги мерос қолдирувчининг, демак, ўрнини егаллаши бевосита ўша мол-мулкни биргаликда фойдаланиш, тасарруф етиши ҳаракатларини амалга ошириши мумкин ва қонунчиликда бунга нисбатан ҳеч қандай чеклов йўқ. Натура ҳолда ажратиб бериш, улушни ажратиб олиш ёки унинг ҳаққини олиш бевосита мерос қолдирувчининг, меросхўрларнинг ёки меросхўрлардан бирининг талаби билан амалга оширилади. Умумий бирликдаги мулк бўлган мерос мисол учун, юридик шахс бўлса ёки аксиялардаги улуш бўладиган бўлса ёки бўлмаса муайян бино иншоотга нисбатан бино иншоотнинг қисмига нисбатан бўладиган ҳолатлари ҳам, демак, қонунчилик мана шунақанги умумий режимни белгилайди.

Мерос таркибига кирувчи навбатдаги объект бу ер участкаси бўлиб ҳисобланади. Маълумки бизни қонунчилигимизда ер участкаларига нисбатан ўзига хос режим ўрнатилган. Ҳозирда ер участкалари бевосита ўша Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, давлатнинг ўша умуммиллий бойлиги ҳисобланади. Шундай бўлсада, қонунчиликда белгиланган асослар ва тартибга кўра, демак, хусусийлаштирилиши ҳам мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 165-моддасида, ер участкаларига нисбатан ҳуқуқларнинг 2 та тоифаси белгиланган. Булар: биринчиси, ер участкаларини умрбод ўша мерос қилиб қолдириш ҳамда ер участкасига доимий егаллик қилиш ҳуқуқлари белгиланган. Шундан келиб чиқадиган бўлсак,

демак, ер участкаси мерос қилиб қолдираётганда, у мерос қолдирувчига қайси ҳуқуқлар асосида тегишли бўлса, шу ҳуқуқлар асосида ўтилиши лозим. Қолаверса, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан, бугунги кунда муайян турдаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари фуқаролар ва жисмоний шахсларга хусусий мулк қилиб берилмоқда ва мана шу шахслар мерос қолдирувчи бўлганда уларга тегишли ер участкаси ҳам хусусий мулк объекти сифатида демак меросхўрларга ўтиши назарда тутилган. Албатта бу ҳолатда ер участкасининг мерос қилиб ўтиши, демак, мерос қолдирувчига у ўша ер участкасининг айнан қайси қисми тегишли эканлигини ва қандай ҳуқуқлар асосида масалан ижара ҳуқуқини доимий фойдаланиш ҳуқуқини ёки бўлмаса мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи тегишли эканлигини масалан кўриб чиқилиши керак. Бошқача қарайдиган бўлсак, ер участкаси агар ашёвий ҳуқуқлар асосида тегишли бўлса фуқаро ёки жисмоний шахсга демак у мерос тариқасида ана шу ашёвий ҳуқуқлар ўтади. Агар ер участкаси хусусий мулк бўлиб расмийлаштирилган ва тегишли тартибда кадастр ҳужжатларига ега бўлса демак бу ер участкаси ҳам демак хусусий мулк объекти сифатида мерос бўлиб ўтиши керак. Энди бугунги кунда демак бизни миллий фуқаролик қонунчилигимиз ер участкаларига бўлган ҳуқуқни мерос қилиб қолдиришга оид умумий қонидани белгиласада, Фуқаролик Кодексининг 1115-моддаси ва ўша умумийликдан келиб чиқиб демак уни ерни режимига асосан мерос белгиланишини назарда тутаяди.

Ворислик ҳуқуқида мероснинг очилиш пайти катта аҳамият касб этади. Чунки, айнан шу пайтдан бошлаб вафот етган шахс ёки мерос қолдирувчининг мол-мулкига нисбатан, демак, ворисларнинг ҳуқуқлари юзага келади. Айнан шу пайтдан бошлаб, меросни егаллаш масаласи бошланади ва айнан шу пайтдан бошлаб, демак, мерос, мол-мулкни муҳофаза қилиш, қўриқлаш зарурияти юзага келади. Шунинг учун ҳам қонунчиликда мерос айнан қайси пайтдан очилади деган масалага аниқ жавоб берилган. Фуқаролик Кодексининг 1116-моддасига кўра, мерос, демак, фуқаро вафотидан ёки суд томонидан вафот етган деб топган пайтдан бошлаб очилган ҳисобланади. Демак фуқаронинг ўлими биологик ўлим ҳисобланса, суд томонидан унинг вафот етган деб эълон қилиниши, вафотнинг юридик қайд этилиши бўлиб ҳисобланади. Фактий ҳодиса сифатида биологик ўлим, бевосита тегишли тиббий муассасасининг (муассасанинг) хулосаси асосида аниқланади ва айнан шу вақт фуқаронинг ўлган пайти деб ҳисобланади. Фуқарони вафот этган деб топиш тартиби еса, Фуқаролик Кодексида белгиланган умумий қондалардан келиб чиқиб, шахс

демак унинг қаердалиги ҳақида 3 йилгача маълумот бўлмаса, ҳарбий ҳаракатлар ёки ўлим реал хавф солиб турган вазиятларда 2 йилгача бўлса, ҳарбий ҳаракатларга кетган, ўлим реал хавф солиб турган пайтларда еса 6-ойгача бўлган вақтдан кейин аниқланмаса, фуқаронинг қаердалиги у суд томонидан вафот этган деб эълон қилинади ва шу пайтдан бошлаб судни қонуний юридик кучга эга қарори шу пайтдан бошлаб фуқаро вафот етган деб эълон қилинади. Хўш мерос очилганидан кейин айнан шу объектга нисбатан нотариус ёки бўлмаса тегишли шахслар мерос мол-мулкни муҳофаза қилиш ҳаракатларини амалга ошириши керак<sup>6</sup>. Мерос очилиш пайтини аниқлашда яна битта муҳим масала, бу бир-биридан мерос олувчиларнинг вафот этганида меросини очилиш пайтидир. Қоидага кўра бир-биридан мерос олишга ҳақли бўлган шахслар масалан, эр-хотин ота-бола ёки бўлмаса шунга ўхшаш ўта яқин қариндошлар бир вақтда вафот этадиган бўлсалар, уларга нисбатан мерос алоҳида-алоҳида очилади ва бунда қонун ушбу шахсларга нисбатан алоҳида мерос очилишнинг аниқ вақти сифатида бир календар сутка яъни 24 соатни белгилашади. Бунинг қандай аҳамияти бор, масалан, дейлик эр-хотин иккаласини ҳам ўзига яраша мол-мулки бор, тадбиркорлик субекти дейлик, уларни ҳали фарзандлари йўқ, лекин, эр-хотин сифатида 5 йил 6 йил бирга яшаб кўйишди ва тегишли мол-мулкни умумий мулк сифатида яъни, эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мулк сифатида орттиришди. Шундай вазиятда улар бир-биридан мерос олиш ҳуқуқига ега бўлган ҳолатда вафот этадиган бўлсалар, уларни вафот этиш оралиғи бир-бирига нисбатан аниқланиши керак<sup>7</sup>. Агар 24 соат ичида бир-биридан вафоти орасида 24 соат бўладиган бўлса, уларни ҳар бирига алоҳида мерос очилади. Агар бири иккинчисидан кейин 24 соатдан кўпроқ яшаган бўлса, унда ўша охирги вафот етган шахс дастлаб вафот етган мисол учун, ернинг ёки хотиннинг тўлиқ меросхўрига айланиб, унинг барча мол-мулкни олиши мумкин. Бу вазиятда еса демак эр-хотин 24 соат ичида ўладиган (вафот этадиган) бўлса, унда уларни ҳар бирига нисбатан алоҳида меросхўрлар чақирилади, масалан хотинни меросига нисбатан хотинни ота-онаси, ака-ука, опалари ёки эрини меросига нисбатан эрини ака-ука, опасингиллари меросхўр сифатида чақирилади.

Мероснинг очилиш жойи ҳам жуда катта аҳамият касб этади, чунки айнан мероснинг очилиш жойига қараб мерос мулкни қўриқлаш муҳофаза қилиш

<sup>6</sup> Протас Е. В., Карабут А. С. Правовое регулирование наследования: актуальные проблемы и пути их решения // Вестник экономической безопасности. 2021. – № 1. – С. 81-86.

<sup>7</sup> Целищева, Т. В. Институт наследственного права: теория и практика правового регулирования / Т. В. Целищева. Текст : непосредственный // Молодой ученый. 2022. – № 52 (447). – С. 300-304. – URL: <https://moluch.ru/archive/447/98300/> (дата обращения: 29.01.2025).

ҳаракатлари амалга оширади. Қоидага кўра мерос очилган жойдаги нотариус мерос мулкни сақлаш ва кўриқлаш хизматларини амалга оширади. Фуқаролик кодексининг 1117-моддаси мероснинг очилиш жойида мерос қолдиришнинг охириги доимий яшаб турган жойини белгилайди. Бу қоида Фуқаролик кодексининг 21-моддаси талаблари асосида белгиланган 21-моддасида белгиланганига кўра унинг доимий яшаб турган жойи яшаш жойи ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб мероснинг очилиш жойи сифатида айнан шу жой белгиланган. Қоидага кўра фуқаронинг доимий яшаш жойини аниқлашнинг имкони бўлмаса, мерос қолдирувчининг охириги яшаб турган жойи меросни очилиш жой бўлади агар у номалум бўладиган бўлса мерос қолдирувчига тегишли бўлган, кўчмас мулк, ёки унинг асосий қисми турган жой, мерос очилиши керак бўлган жой ҳисобланади. Қоидага кўра мерос қолдирувчида бир неча кўчмас мулк бўлиши мумкин масалан биттаси Тошкент шаҳрида бошқаси бир вилоятда шундан келиб чиқиб асосийси қаерда кўп жойлашган бўлса ўша жойда мерос очилиш жойи ҳисобланади. Бундан ташқари мерос қолдирувчининг кўчмас мол-мулклари бўлмайдиган бўлса унинг кўчар мулклари жойлашган асосий жойи мерос очилиш жойи сифатида белгиланади ва айнан ўша жойда мерос очилади. Меросхўрлари ҳам мерос тақсимотини амалга оширишда, уни келиб кўришда тақсимлашда, кўриқлашда ёки меросни бўлишда буюмни топшириш керак бўлса ўша жойдаги нотариусга ёзиб мурожаат қилиши лозим ана шунинг учун қонунчиликда алоҳида белгиланади ва бу бир неча қоидаларни назарда тутаяди. Мерос очилиш жойи аниқ бўлганидан кейин меросхўрлар айнан шу жойдаги нотариусга мурожаат қилиш орқали мерос гувоҳномасини олиш талаб этилади. ана шунинг учун ҳам мерос очилиш жойи муҳим аҳамиятга эга, бугунги кунда ўша интернетнинг ривожланиши турли хилдаги ўша интернет оламидаги мулклар, ёки ҳуқуқларнинг юзага келиш масаласи ҳам борки лекин шунга қарамасдан қонунчилик айнан ўша мерос қолдирувчининг доим яшаб турган жойи ёки унга тегишли кўчар ёки кўчмас мулкнинг жойлашган жойи мерос очилиш жойи очилган жойи дейилади ва шу жойдаги нотариус ҳам интернетдаги ҳуқуқлар аккаунтлар, сайтларга оид бўлган ҳуқуқлар ҳам у томонидан амалга оширилиши керак ва шу асосда мерос гувоҳномаси берилиши талаб этилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Гринь Е.С. Наследование аккаунтов в социальных сетях: российский и зарубежный опыт // Актуальные проблемы российского права. 2022. Т. 17. – № 2. – С. 128-134. – DOI: 10.17803/1994-1471.2022.135.2.128-134.



2. Санникова Л. В., Харитоновна Ю. С. Цифровые активы: правовой анализ : монография. М. : 4 Принт, 2020. 304 с.
3. Новоселова Л. А., Гринь О. С. Эффективность правовой охраны объектов интеллектуальных прав: административные барьеры // Право. Журнал Высшей школы экономики. — 2018. — № 2. — С. 4–25
4. Глаголева Т.А. Наследование аккаунтов в социальных сетях: актуальные проблемы / Т. А. Глаголева. Текст: непосредственный // Молодой ученый. 2023. – № 13 (460). – С. 235-237. – URL: <https://moluch.ru/archive/460/101154/> (дата обращения: 29.01.2025).
5. Муртазалиева, З. К. Наследование аккаунта в социальной сети: проблемы и перспективы развития правового регулирования / З. К. Муртазалиева, В. А. Спиридонова // Тамбовские правовые чтения имени Ф. Н. Плевако: Материалы v международной научно-практической конференции: В 2 Т., Тамбов, 28–29 мая 2021 года. Том 2. — Тамбов: Издательский дом «Державинский», 2021. – С. 112–115.
6. Протас Е. В., Карабут А. С. Правовое регулирование наследования: актуальные проблемы и пути их решения // Вестник экономической безопасности. 2021. – № 1. – С. 81-86.
7. Целищева, Т. В. Институт наследственного права: теория и практика правового регулирования / Т. В. Целищева. Текст : непосредственный // Молодой ученый. 2022. – № 52 (447). – С. 300-304. – URL: <https://moluch.ru/archive/447/98300/> (дата обращения: 29.01.2025).